Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 77 (7. 166) ◎ 1990 йил 5 апрель, пайшанба ◎ Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

3 апрель куни Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми якунларини ва область партия ташкилотининг КПСС XXVIII съездига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ва XXIV область партия конференциясига тайёргарлиги бўйича вазифаларни муҳокама қилди.

Мазкур масала юзасидан область партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасуловнинг олдиндан тарқатилган маърузаси муҳокама қилинди.

Қабул қилинган қарорда пленум КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида ўз ифодасини топган КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури, КПСС Устави умумсиёсий йўлини маъқуллади, уларда қабул қилинган қарорларни умуман қўллаб-қувватлади.

Пленум XXIV Тошкент область партия конференциясини чақириш, шунингдек, бу конференцияга ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXII ва КПСС XXVIII съездларига делегатлар сайлаш тартиби ҳақида қарор қабул қилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, республика халқ назорати комитети раиси Б. Ф. Сатин ҳам иштирок этди.

Тонгги газеталарда

◎ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан сайланган СССР халқ депутати Иван Дмитриевич Лаптевни Иттифоқ Советининг раиси қилиб сайлаш тўғрисида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг қарори эълон қилинган.

◎ Республика газеталарида «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни, «Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори берилган.

◎ Совет кишилари Литвада рўй бераётган воқеаларни қалбга яқин қабул қилмоқдалар. Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан олинаётган хатлар ва телеграммалар бунинг далилидир. Бугун рўзномаларда ана шу хат ва телеграммаларнинг бир қисми билан танишишингиз мумкин.



◎ ТУШЛИК ДАМ ОЛИШ ЧОҒИДА. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси нинг ёш ишчилари А. Раббимов, В. Рўзмуродов, И. Тошматов, У. Бобоқулов, Б. Иброҳимов.

Р. Шарипов сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГИМНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советининг маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш; миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат Гимнининг янги матни ва музикасини тайёрлаш ишларини ташкил этиш топширилсин.

Давлат Гимни матни ва музикасининг янги таҳрири лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйиш учун матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 31 март.

Янгиликлар. Воқеалар. Ҳужжатлар

● «Ташсельмаш» заводининг коллективи бу йил камёб рандалар ишлаб чиқара бошлади. Савдо тармоғига 22 минг донадан ортиқ ана шундай асбоб етказиб берилди. Машинасозлар икки хил ранда — қўйма «устабоп» ва ҳаваскорларга мўлжалланган, конструкцияси жиҳатидан бир мунча оддийроқ бўлган рандаларни ишлаб чиқармоқдалар. Йил охиригача корхона яна 100 минг дона дурадгорлик асбоби тайёрлаб беради. Ана шу буюмларни тайёрлаш учун асосан ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланилмоқда.

● «Средазкабель» бирлашмаси ҳузуридаги «Радуга» саноат кооперативи «ГАЗ-24», «Жигули», «Москвич» автомобилларига резина деталлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Уларни тайёрлаш учун операторлар асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланмоқдалар. Тайёр маҳсулот давлат чакана нархларида сотилмоқда.

● Сиэтл шаҳрининг «Мазатоунз» ансамбли тошкентлик томошабинларни қадимий яҳудий маданиятининг мусиқий анъаналари билан таништирди. Ансамбль гастроллари «Баҳор» концерт залида ўтди. Сиэтл яҳудийлар жамоаси билан Тошкент яҳудийлар маданият маркази ўртасида алоқа ўрнатилганлиги туфайли Америка артистлари бу ерга келдилар.

«Мазатоунз» инглизча сўз бўлиб, «Бахт оҳанглари» деган маънони билдиради. Ансамблнинг концертлари ҳам томошабинларга кўпгина қувонч дақиқаларини бахш этди. Созандаларнинг юксак профессионал маҳорати, нозик дидн ва илдизлари билан ўтмишга бориб тақаладиган анъана — клэзмер мактабининг ижрочилик услубини яхши билиши яққол намоён бўлди. «Мазатоунз» ансамбли томошабинларни гўё 20 — 30-йиллардаги Нью-Йорк яҳудийлар театрига таклиф этгандек бўлди. Ана шу театр яҳудий фольклори ва негр жаз анъаналарини ўзида мужассамлаштирган.

— Концертлар биз артистлар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам халқларимизнинг маънавий бирлигини ҳис этиш имконини берди, — деди ансамбль раҳбари Венди Маркус ЎзТАГ мухбирига.

Ҳамза район партия комитетининг пленуми

Кеча Ҳамза район партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ф. Н. Нажмитдинов Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Илгари Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгашининг секретари бўлиб ишлаган Б. Юсупов Ҳамза район партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков қатнашди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари депутат А. И. ФОЗИЛБЕКОВ нутқи

Ҳурматли депутатлар!

Ўйлайманки, бугунги кунда ҳар биримиз сессияда муҳокама қилинаётган масаланинг кескинлигини ва долзарблигини тўғри идрок этиб турибмиз. Зеро, бу муаммони ҳаётимиз, шу куннинг долзарб талаблари тақозо этади.

Мамлакатимизда рўй бераётган демократиялаш, ошкоралик жараёни армия ҳаётининг шундай қирраларини жамоат мулкига айлантирдики, одамлар чин маънода ўз фарзандларининг тақдири учун хавотирга тушиб қолдилар.

Мамлакатимизнинг қатор регионларида шу жумладан Тошкент шаҳрида, айтиш мумкинки, ҳарбий хизматнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини шубҳа остига олувчи пацифистик, армияга зид кайфиятлар кучайди. Нима учун шундай бўлаяпти? Бунинг сабаблари оз эмас. Аммо энг асосий сабабларидан бири шуки, шу соҳада йиллар давомида йиғилиб келган муаммолар ўз вақтида ҳал этилгани йўқ. Тан олиш керак, Қуролли Кучлардаги соғлом маънавий-сиёсий вазият ҳақидаги хато тушунча, уларнинг ишларига аралашмаслик шунга олиб келдики, бугун биз Совет Армияси учун шармандали ҳолларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мен воқеаларни бўрттириб кўрсатишни истамайман, истаганимда ҳам бу қўлимдан келмас эди. Чунки ҳарбий-қурилиш қисмларида ҳарбий интизомни оммавий бузиш ҳоллари мавжудлиги, янги чақирилган ёш солдатлар қадр-қимматини ерга уриш, Уставга алоқаси бўлмаган муносабатларнинг қарор топганлиги кўпчиликка маълум. Албатта, ушбу салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш табиати бир хил эмас. Уларнинг илдизи айрим қурилиш бўлинмаларида ҳукм сураётган лоқайдлик, жазо бермаслик, назорат йўқлигига бориб тақалади. Ана шундай бўлинмаларда офицерлар ва прапорщиклар тўралик, бепарволик, ўзларига ва қўл остидагиларга нисбатан талабсизлик намоён этишяпти. Аслини олганда, айнан шундай ҳоллар ҳарбий жиноятларнинг содир бўлишига олиб келади, инсон тақдири чил-парчин бўлади.

Бир эслаб кўринг-а, фақат 1989 йилнинг ўзида армияда 430 нафар ўзбек йигити ҳалок бўлди. Ваҳоланки, мамлакатимиз Афғонистонда 13 минг аскаридан ажралган эди. Буни бирор нарса билан оқлаб бўладими? Ўйлайманки, оқлаб бўлмайди.

Ёки Қуролли Кучларнинг обрўйини чин маънода бадном этувчи бошқа мисолни олайлик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, РСФСРнинг Шарқий районларидаги ҳарбий-қурилиш қисмларидан бирига таркибида Тошкент шаҳар партия комитетининг масъул ходими ҳам бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси бориб келди. Комиссия чидаб бўлмайдиган мисолларни очиб ташлади.

Ўз-ўзидан, мустақил ҳаётда дастлабки қадамларни қўяётган фарзандларимиз бундай муҳитда нималарга ўрганиши мумкин, деган савол тугилади. Жавоб беришим мумкин: энг ёмон нарсаларга ўрганишади, аммо ҳарбий-қурувчилик касбига эмас.

Ана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб халқда, энг аввало чақириқ ёшигача бўлган ва чақириқ ёшидаги йигитларда армиянинг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва ўрнини нотўғри тушуниш, Қуролли Кучлар билан, уларда хизмат қилиш билан боғлиқ жамики нарсаларни ёктирмаслик кайфиятини келтириб чиқараётган эмасмикан?

Шак-шубҳасиз, бу билан муроса қилиб бўлмайди. Биз яқин вақтларгача мардлик, ватанпарварлик ва байналмилалчилик мактаби тушунчаларини Совет Армияси билан боғлар эдик. Янгиланиб бораётган ҳаёт, турмуш воқеалиги унинг собиқ обрў-эътибори қайта тикланишини талаб қилмоқда. Гап яқин келажакка ва истиқболга мўлжалланган муайян ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ҳақида бораяпти.

Шу муносабат билан мен маҳаллий миллат ёшлари ҳисобидан офицер кадрлар тайёрлашни долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблайман. Депутат В. Н. Маҳмудовнинг суворовчилар билим юртини ташкил этиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ҳозир жумҳуриятимизда мавжуд Чирчиқ танкчилар билим юрти, Самарқанд автомобилчилар билим юрти ва Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти шу йилданоқ оммавий равишда миллий офицер кадрларни тайёрлашга киришиши мумкин, деб таъкидламоқчи эдим. Ўйлайманки, жумҳуриятимиз ҳукумати ана шу муҳим муаммони ҳал этишга ниҳоятда жиддий ёндошиши керак. Ана шу ҳарбий билим юртларидаги талабаларнинг 50—70 фоизини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этишига эришиш зарур. Ана шунда биз ҳозирги вақтда Совет Армияси офицерларининг ҳатто бир фоизини ҳам ўзбеклар ташкил этмаслигидан ажабланмайдиган бўламиз. Ана шунда раҳбар лавозимлар учун офицер кадрларни бутун мамлакат бўйлаб излашга тўғри келмайди.

Чиндан ҳам, Ислом Абдуғаниевич, сиз КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумидаги нутқингизда мамлакат ҳукуматида, олий партия раҳбариятида барча миллатларнинг вакиллари меҳнат қилиши керак, деб мисол келтирдингиз. Шундай биқинимизда, Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий Кенгаши аъзоларининг орасида бирорта ҳам ўзбек офицери йўқлигини қандай тушуниш мумкин? Бу мисолни шарҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Таъбир жоиз бўлса, шуни айтмоқчиманки, агар ўз миллий офицер кадрларини тайёрламас экан, ҳар бир миллат ўзини камситилган ҳисоблаши мумкин. Шу ўринда «Офицерлар» бадиий фильм қаҳрамонининг «Ватанни ҳимоя қилиш — фахрли касб» деган сўзларини эсламай бўладими?

Ўйлайманки, бугун ёшларни Совет Армияси сафларидаги хизматга тайёрлашда мактабнинг, оиланинг, жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида тўғри фикрлар баён этилди.

Аммо, жиддий гапирадиган бўлсак, бу муаммони СССР Мудофаа министрлигининг ёрдамисиз ҳал этиб бўлмайди. Чақириқ ёшидагиларни, энг аввало, жисмоний ва ижтимоий-руҳий тайёрлаш учун катта моддий ва молиявий сарф-харажатлар керак бўлади.

Жумҳуриятимиз ҳукумати қисқа муддатларда мамлакатимиз ҳукумати билан, энг аввало, регионимизнинг хусусиятларини ҳисобга олиб ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг сони ва шартларини келишиб олиши, буни қаттиқ назорат қилиши, бу борада бурилиш ясаши мумкин. Жумҳурият ҳарбий комиссариати эса жумҳуриятимиз ҳукуматига ҳисобот бериб туриши, армияга жўнатилаётган ёшларнинг таркибини албатта келишиб олиши зарур. Чунки ёшлар — бизнинг келажагимиз, халқнинг энг бебаҳо бойлигидир. Биз бу бойликни авайлаб асрашимиз лозим.

Яқин орада жисмоний бўш ва ақли заиф ёшларни комиссиядан ўтказиб, уйларига қайтариш имкониятини кўриб чиқиш, илгари жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ҳарбий хизматга чақирилишига барҳам бериш учун, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида жазони ўтаётган шахсларнинг чақирилишига йўл қўйилмаслигини кўзда тутиш учун «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақидаги ташаббус билан чиқиш борасидаги таклифларни қўллаб-қувватлайман.

Ва энг муҳими, менинг ўйлашимча, ҳарбий қурилиш бўлинмаларига чақирилган ёшлар хизматни ўрта Осиёда ўташига эришиш лозим. Ҳарбий қисмларни тузаётганда эса ҳарбий бўлинмалар бир тилда сўзлашувчилардан таркиб топишига алоҳида эътибор бериш керак. Шу ўринда маҳаллий миллат ёшлари ҳарбий қисмларда кўпчилик бўлиб хизмат қилишини ҳисобга олиш муҳимдир. Аминманки, бу ўз навбатида ёшларнинг ҳарбий хизматни муваффақиятли ўташини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлади. Айни вақтда жумҳурият комиссарнати ҳукумат билан биргаликда у ёки бу сабаблар, эътиқодлари туфайли Қуролли Кучларда хизмат қилиш имкониятига эга бўлмаган ёшларнинг муқобил хизмат жойи тарзида жумҳуриятимизнинг энг муҳим қурилиш объектлари рўйхатини белгиласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиғини айтаман, бу осон вазифалар эмас. Шунга қарамай, уларнинг бир қисмини қисқа муддатларда ҳал этиш мумкин ва ҳал этиш зарур. Айримлари эса кенг кўламлидир, уларнинг ҳал этилиши талайгина куч-ғайратларни, моддий ва молиявий ресурсларни ва албатта, вақтни талаб қилади.

Ушбу масалаларнинг ҳар хил салбий талқинларига баҳона қолдирмаслик учун уларни икир-чикиригача ўйлаб чиқиш керак. Аммо, уларни пайсалга солмай, пухта ҳал этиш зарур. Сабаби, халқ норозилиги шу даражага бориб етдики, бундан кейинги сусткашлик жиноят билан тенгдир.

Юксак унвон муборак!

РИЁЗИЁТ ИЛМИНИНГ СОҲИБИ



СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Т. А. САРИМСОҚОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Математика фанини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали педагогик ва жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Тошмуҳаммад Алиевич **Саримсоқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 3 апрель.

САҲАР чоғи қўлимга қалам олиб дилкаш инсон ҳақида ёзарканман, беихтиёр буюк бобокалонларимизни эсладим. Кўз ўнгимда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал Хоразмий, Мирзо Улугбек ва Алишер Навоий каби алломалар сиймоси жонланди. Ҳозирги кунимизда ҳам фан жабҳаларидаги кашфиётлари билан жаҳонни лол қолдираётган фозилу зукко олимларимиз бор, улар билан фахримиз ортади, ифтихоримиз жўш уради. Мана шундай алломалар сафида машҳур соҳиби илм, академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовнинг муносиб ўрни бор. Атоқли олимнинг яқиндагина чоп этилган «Ҳаёт довонлари» китобини варақлаб мана шу сатрларни мароқ билан ўқидим:

«— Айтайлик, сиз равон йўлдан юриб бораяпсиз. Сўнг қияликларга, довонларга ва ниҳоят чўққиларга дуч келасиз. Бу ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди, албатта. Не-не машаққатлар туфайли манзилга етасиз. Ўшанда ортингизга ўгириліб, босиб ўтилган йўллар ҳақида ўйлаб қоласиз. Қувонч ва ташвишлар билан кечган йиллар. Беихтиёр ана шу йўллар ва йиллар ҳаёли сизни узоқ-узоқларга олиб кетади...».

Ҳаёт шундай. Ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқлари, ташвишлари ва қувончлари — алломанинг умр йўлида ҳаммаси юз берди. Иқтидорли инсон ҳар қандай ҳолатда олға босади. Тошмуҳаммад ака илм-фан йўлида ҳар қанча азият чекса ҳам, чўққига интилди. Олимнинг дастлабки ишлари эҳтимоллар назарияси усулларини классик анализ қилиш масалаларига бағишланди. Олимнинг катта кўламни ташкил этган ишларида Марков занжирлари текширилган. Ўрта ва Олд Осиё синоптик жараёнларини ўрганиш масалаларида эҳтимоллик схемаларининг қўлланишига бағишланган тадқиқотлари учун олим 1948 йилдаёқ СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Олим ва шогирдлари кашфиётлари билан топология ва функционал анализнинг Тошкент мактабига асос солинди.

Тошмуҳаммад ака ижодий иш билан бирга, ўзбек фанининг равнақи учун тинмай меҳнат қилиб келяпти. Ҳаёт йўлидаги катта хизматларига бир назар ташлайлик: 1943 йилда академик, ректор, Фанлар академияси вице-президенти, 46-йилда президент, уч қайта Тошкент Давлат дорилфунунига ректор, бир неча йил олий ва ўрта махсус таълим нозири бўлиш... Мана шу илмий хизматлар ва жамоат арбоби сифатидаги вазифалар осонгина кечмаган. Софдил, камтар, ҳушмуомала ва олижаноб инсон ана шундай йўлларни нурафшон этиб ўтади.

Халқ ва партия ўз фидойи фарзандини доим эъзозлайди. Тошмуҳаммад ака Алиевич уч марта Ленин ордени, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси», Октябрь революцияси орденлари, кўплаб медаллар, унвонлар, мукофотлар билан тақдирланди. Ўнлаб чет мамлакатларда фанимиз ҳақида маърузалар ўқиди, саёҳатларда бўлди. Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг номини эндиликда нафақат Иттифоқимизда, балки кўпгина мамлакатларда билишади.

Олим ўз устози Всеволод Иванович Романовскийни «Ўта босиқ, ўта мулойим одам эди» деб ширин хотира билан эслайди. Худди шундай фазилат Тошмуҳаммад акада ҳам бор. Софдиллик ва камтарликни, инсонийликни ва олижаноблигини у ҳар ерда намоён этади. Тошмуҳаммад аканинг улуғ ёзувчиларимиз Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар билан дўст-қадрдон бўлгани, ўнлаб ҳамкасблари билан ҳамкор-ҳамдардлиги, юзлаб шогирдларига меҳр-муҳаббатли эканлиги ҳам ана шу фазилатларидан шоҳидлик бериб туради.

Кекса коммунист-олим етмиш беш ёшида Ватанимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига муносиб бўлгани ҳаммамизнинг қувончимизга қувонч қўшди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Успенский номли музика мактаб-интернати тарбияланувчилари ўз билим даргоҳларининг ярим асрлик юбилейига совға тайёрладилар. Улар санъат ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг республика конкурсида бир неча ғалабаларни қўлга киритдилар. Гулистонда бўлиб ўтган пианиночилар конкурсида саккизинчи синф ўқувчиси Евгений Муромский биринчи ўринни эгаллади. Андижонда скрипкачилар ўртасида Доно Полвонова иккинчи ўринни ва лауреат номини олишга муваффақ бўлди. Ўнинчи синф талабаси Елена Кирдяева эса ёш виолончелчилар ўртасида энг яхши созланда деб топилди. Духовой чолғу асбоблари ижрочиларининг Тошкентда бўлиб ўтган конкурсида мактаб тарбияланувчилари программанинг барча турларида биринчи ўринни эгалладилар.

* * *

Коллекционер Эдуард Манашеров билан учрашув Тошкент мактаб ўқувчилари учун китоблар оламига қизиқарли саёҳат бўлди. Бу учрашувга болаларни Беруний номли болалар кутубхонаси таклиф қилди. Техника фанлари номзоди Э. Манашеровнинг коллекцияси одатдаги коллекцияларга ўхшамайди. Ундаги 1150 экспонат — миттн китобчалардир. Коллекцияда А. С. Пушкиннинг Болдинода ва Михайловское қишлоғида нашр қилинган асарларига ўхшаш ранитетлар ҳам анчагина. Ўзбекистонда нашр қилинган миттн китобчалар орасида эса Навоий ва Пахлавон Маҳмуд, Фурқат ва Ҳамза, Муқимий ва Зулфия каби шоирларнинг асарлари бор. Миттн нашрлар маҳорат билан ишланган бўлиб, рассомлар ва матбаачилар санъатини намойиш этади.

* * *

«Фан» нашриётида босиб чиқарилган янги китоб «Ўзбекистон тангалари» деб номланган. Унда қадимда ва ўрта асрларда ўлкамизда муомалада бўлган тангалар тўғрисидаги маълумотлар тўпланган. Китобда тарихчилар ва санъатшуносларнинг, этнографлар ва археологларнинг кўп йиллик меҳнатлари жамланган. Китобдаги суратларнинг жуда кўп қисмида Александр Македонский ва Сўғд давлати, Селевкидлар сулоласи, Грек-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даврига мансуб тангалар акс эттирилган. Китобнинг анчагина саҳифалари Темур даври тангалари тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

Ёпиқ бозор қурилишида

ҲОЗИРГИ ПАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ

УНИ ҲАММА БИРДЕК ҲИС ЭТЯПТИМИ?

Навбатдаги иш ҳафтасининг якунлари анъана бўйича кўриб чиқилди. Қурилиш қатнашчилари ўртасида бирон-бир низо келиб чиқмади. Бу қурилишда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Айниқса бунақанги катта қурилишларда. Унда 20 га яқин ташкилот — буюртмачи — қурилаётган савдо корхонаси дирекциясидан тортиб монтаж ташкилотларигача қатнашяпти. Бу нимани кўрсатади: демак, иш маромига амал қилиняпти. Ҳатто бирмунча илгарилаш ҳам бор. Бинобарин қурувчилар, монтажчилар, пардозловчилар, лойиҳачилар ва бошқа касб эгалари олдига қўйилган вазифалар осон вазифалардан эмас эди.

«Думалоқ стол атрофида»ги давра суҳбати март ойи бошларида бўлиб ўтган эди. Шунинг учун табиийки, баланд иморатлар қуриш трестининг бошқарувчиси А. Кочеров тўпланганларга февраль ойидаги иш натижалари ҳақида қисқача ахборот берди. Ўтган ойда 835 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бу эса январь ойига нисбатан 544 минг сўм кўпдир.

Кўриниб турибдики, ёпиқ бозор қурилишидаги иш ҳажми жуда катта, бироқ 650 ишчи ва инженер-техник ходим турли ташкилотлардан келиб ана шу қурилишда ишлаётган бўлса-да, улар ҳали мўлжалдаги ишларга эришиляпти деб ҳисобламайдилар. Шунинг учун ҳам март ва апрель ойларида камида 2 миллион сўм маблағ ўзлаштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Май ойида биринчи навбатни, яъни 15 объектни қуриб тугаллашга қарор қилдилар. Бунда барча инженерлик иншоотлари ҳам қурилади. Шундан 1100 минг сўмлиги март ойида бажариладики, бу катта вазифадир.

Албатта, гап қанча сўмлик иш бажарилганлигида эмас, ҳар бир сарфланган сўм қанчалик бу қурилишни ниҳоясига етказишга, уни тезлаштиришга хизмат қилаётганидадир. Ҳозиргача ўзлаштирилган 835 минг сўмлик маблағ натижасида бир қатор бинолар ва иншоотлар қад кўтарди. Бундан ярим ой муқаддам катта савдо залида темир-бетонларни ётқизишдан олдин дастлабки ўлчов ишлари олиб борилаётган эди. Бугунги кунда эса уларнинг 30 фоиздан зиёдроғи ўрнатиб бўлинибди ва мустаҳкамланибди. Ёпиқ бозордаги 400 савдо ўрни тайёр. Пештахталарнинг бир қисми силлиқланган гранитлар билан қопланибди. Бу ерларда ҳатто бугуноқ савдони бошлаб юбориш мумкин. Бироқ ҳозирча бу пештахталар қурувчиларнинг овқатланишлари учун «дастурхон» вазифасини бажармоқда. Умумий овқатланиш ошхонаси эса қурувчилар ишлаётган жойдан икки қадам нарида жойлашган. Қилинган ишлар анчагина. Гумбаз биқинидаги тўртта ишга туширилади ган магазин пардоздан чиқмоқда. Унинг деразалари шундоққина Октябрь колхоз бозори қаршисидадир. Бу бозор гавжум, ўзига хос шарқона хусусиятларга эга. Аммо бозорда сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам ҳатто энг оддий шарт-шароитлар йўқ.

Янги бозорнинг ташқи қиёфаси эса кундан-кунга кўз ўнгимизда намоён бўлиб бормоқда. Бу катта қурилишда «кўзга кўринмас» ишлар ҳам бор. Ертўладаги ўнлаб ёрдамчи иншоотлар юқоридаги савдо пештахталари иш жараёнига хизмат қилиши керак. Масалан, гумбазнинг 96 метрлик ер ости қисмидаги бу иншоотлар маҳсулотларни савдога қўйишдан олдин ишлаб беришга мўлжалланган. Масалан, гўшт ва балиқларни. Худди шу ернинг ўзида молларни вақтинча сақлаш бўлимларига эга бўлган 10 та махсус мослама бор. Уларнинг бир қисми совутиш мосламалари билан жиҳозланди. Ертўлада ҳавони мўътадиллаштирадиган махсус хоналар, сув таъминоти ва бошқа инженерлик иншоотлари мавжудки, эски бозор буларни «тушида ҳам кўрмаган».

Янги бозор ҳақидаги дастлабки мақола эълон қилингандан буён гумбаз қурилишида уч ҳафтага яқин вақт ўтди. Бу давр ичида қурилишда анча олдинга силжишлар бўлди. Бу силжишларни ҳамма яққол сезиб турибди. Масалан, бу катта қурилишга республика агроқурилиши территориал бошқармаси ҳам келиб қўшилди. Улар 70 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўзлаштиришга эришдилар. Бу бошқармага шу йилнинг ноябрь ойида халқ ҳунармандчилик усталари—сандиқ ясовчилар, тунукасозлар, ўймакорлар, заргарлар ва бошқаларнинг шаҳарчасини қуриш ва фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилган.

Бу шаҳарчада ҳар бир касб эгаларининг ўзларига хос кичкинакичкина устахоналари бўлади. Бу шаҳарча май ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган объектлардан бўлмасада, унинг бунёдкорлари — бош пудратчи — баланд иморатлар қуриш трестининг 1-қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Юсуповнинг айтишига қараганда ишга қаттиқ киришганлар. Бу йил албатта бу ишни ниҳоясига етказишмоқчи. Шундай қилиб, яна бир «четдан келган» ташкилот ўз зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Шак-шубҳа йўққи, улар бошқаларни доғда қолдирмайдилар. Аммо биз бу фикрни «Госкомводстрой» деган ташкилот вакилларига нисбатан айтолмаймиз. Уларни бу қурилишда январь ойидан бери кутишяпти. Аммо ҳали уларнинг қоралари кўрингани йўқ. Ҳолбуки, уларни анчагина ишлар кутиб турибди. Ортиқча кучимиз йўқ деб рўкач қилиш асосли баҳона бўла олармикан?

Март ойида кўрамиз, бу комитет ҳашар йўли билан ёрдамга келармикан ёки йўқми? Шуни унутмаслик керакки, олдиндан мустаҳкам замин яратиб қўйиш (бу комитетга бир қатор объектларни олдиндан тайёрлаб қўйиш умид қилинган эди) бу 1991 йилда ишга тушириладиган гумбаз иккинчи навбатини муваффақиятли қуришга кафолат беради.

Ўмуман олганда яхши умид туғдираётган бу қурилишда юқорида айтиб ўтилганлардан қатъий назар айрим салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Бу қурилиш ўтган йилиёқ пойтахтимиздаги туя гўшти еган қурилишлар сафида тилга олина бошланган эди. Мен бу билан қандайдир ваҳимага асос бор демоқчи эмасман. Аммо ҳақли эътирозлар, асосли истаклар билдирилмоқда. Пардозлаш-қурилиш трестининг бошқарувчиси Д. Ҳамзин чунончи, санитария-техника ходимларини ёрдамчи иншоотларда қувурларни монтаж қилишни тезлаштиришга ва мана шу асосда сувоқчилар ва бўёқчилар учун иш майдони очиб беришга қистамоқда. Бошқарувчининг бу талаби қабул қилиндию, бироқ бирон-бир амалий қадамлар қўйилмади. Қурилишда эса сўз эмас, иш қадрли. Пардозловчиларнинг ўзларига ҳам таклифлар билдирилди. Бош пудратчи шундай деб ҳисобламоқда: биринчи навбатнинг муҳим тармоқий қисмларидан ҳисобланган озиқ-овқат магазини қурилиши ва пардозида ортда қолишга йўл қўйилди. Бошқа кўпгина иш жараёнлари қаторида ранг-баранг поллар қурилишини ҳам жадаллаштириш зарур.

Гумбазнинг биринчи навбатида катта унумдорлик билан ишлайдиган нонвойхона бор: у бир кечакундузда 15 тонна тайёр маҳсулот етказиб беради. Бош пудратчи ташвишланаяпти, Негаки февраль ва март ойларида технологик ускуналар монтажининг суръати анча пасайиб кетди. Унни сақлаш воситаларида ҳам шундай. Бу эса ўз навбатида пардозловчиларнинг қўлини боғлаб қўймоқда. Бу албатта нохуш аҳвол. Ундан қандай қилиб чиқиш керак? Йўли битта. Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси йўл қўйилган бу камчиликка барҳам бериш учун шошилинч чоратадбирлар кўрмоғи керак. Бунинг учун эса ўз монтаж участкасини кучайтириши, уни зарур воситалар билан бетўхтов таъминлаши лозим. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари омборхоналари билан ҳам жуда тиғиз шуғулланадиган вақт келди. Бу борада ҳам иш майдонлари етарличадир. Бу ишлар ҳали республикада янги, шу пайтгача номаълум бўлган ва тажрибадан ўтмаган технологияни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, бу борада ўз ишининг кўзини биладиганлар керак. Токи улар бугунги кунда ишнинг моҳиятига чуқур кириб борсинлар. Бу эса ундан фойдаланиш чоғида бўлиши мумкин бўлган ҳар хил хатолардан сақлаб қолади. Қимматбаҳо ускуналар ўзини оқлаши керак, ахир.

Ўтган галги мақоламизда «Ташгипрогор» мутахассислари, яъни лойиҳа муаллифлари шаънига илиқ сўзлар айтган эдик. Ҳозир эса уларнинг қурилишдаги шериклари билан ўзаро алоқалари жуда ҳам ишчанлик ва аҳиллик касб этган. Аммо уларга ҳеч қандай илтимос ва истаклар бўлмаяпти, ҳамма нарса силлиқ кетяпти деган маънони билдирмайди. Қурилиш муҳокамасида айтилганидек, айрим зиналар, ўт ўчириш мосламалари бўйича лойиҳа ечимлари тўла-тўкис берилмаган. Уларнинг узил-кесил ечимларини топиш йўлида изланишлар боряпти. Аммо бутун гап шундаки, бу ечимларни жадаллаштириш ва қурувчиларга ҳужжатларни тезроқ топшириш керак.

Қурилиш осон иш эмас. Зотан, унда у ёки бу муаммолар бўлиши мумкин. Аммо бўлажак бозор майдони учун характерли бўлган мисолни келтирмоқчиман. Анҳор бўйидаги театр қурилишида ўтган йили бўлганидек, ўзаро бир-бирига бетўхтов айблар қўйиш ва ишлаб чиқариш низолари бу ерда йўқ. Бу ерда ҳамма нарса ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўзаро ёрдам, амалий шеригчилик тарзида ҳал этилмоқда. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

А. Юсупов ва 1-қурилиш бошқармаси қурилиш участкасининг бошлиғи С. Лукацкий қурилишдаги аҳвол билан танишганларидан сўнг бу ишларнинг билимдонлари сифатида ушбу мақоламизда ёпиқ бозор қурилишининг ҳақиқий фидойилари номларини тилга олиб ўтишимизни илтимос қилишди. Уларнинг фикрича, Х. Алохунов, А. Нестеров ва А. Стуровлар етакчилик қилаётган пешқадам бригадаларсиз, металл мосламаларни монтаж қилувчи ҳамда ғишт терувчи Ш. Ҳусимов, пайвандчилар А. Макаров ва Н. Китиповаларсиз мазкур қурилишдаги ишларнинг олға силжишини таъминлашни тасаввур этиш мумкин эмас.

И. АХМЕТОВ,
жамоатчи мухбиримиз.



⊙ ПАЙВАНДЧИЛАР САРДОРИ. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали ишчиси Дмитрий Атаманов.

Х. Мирзакаримов сурати.

ДАРСГА ЭҲМ «КЕЛДИ»

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тажриба- ишлаб чиқариш заводида тайёрланган «Ёшлик» ўқув-ҳисоблаш техникаси Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот районидаги информатикадан база мактаби ҳисобланувчи 83-мактабга ўрнатилди.

Компьютерларни сотиб олиш учун маблағни шу мактабни оталиққа олган корхона — «Қўнғирот» локомотив депоси ажратди.

Бу йил компьютерлаштириш Қорақалпоғистоннинг деярли барча ўқув муассасаларини, аввало мактабларни қамраб олади. «Вариант» Совет-Болгария корхонаси билан ҳам шартнома тузиш режалаштириб қўйилган.

Хориждан хабарлар

● ПРАГА. ФССР Федерал мажлиси республиканинг янги номи тўғрисидаги энг муаммоли масалани муҳокама қилишга киришади. Шу масала теварагидаги баҳслар олдиндан билиб бўлмайдиган чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки кейинги вақтда бундай баҳслар чехлар билан словаклар ўртасидаги миллий муносабатларга бориб тақалди. Бундай оқибатларга йўл қўймаслик ва тезроқ зарур келишувга эришиш учун Чехословакия президенти Вацлав Гавел Парламент депутатларига мактуб билан мурожаат қилди. Унда депутатларни республика номини ўзгартириш тўғрисида бугун қонун қабул қилишга даъват этди. У чех-словак республикаси ёки Чехословакия Федератив Республикаси деган икки номдан бирини танлаб олишни тавсия қилмоқда. В. Гавелнинг ўзи ҳозир касалхонада ётибди. У 24 март куни операция қилинди. Кеча парламентда В. Гавел мактубини депутат Мартин Палоуш ўқиб берди.

● СОФИЯ. БХР Халқ мажлисининг Софияда ўтаётган сессиясида Болгария жамияти янгиланишини белгилаб берадиган мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турмушига тааллуқли масалаларнинг кенг доираси муҳокама қилинмоқда.

Парламент депутатлари иқтисодий жараёнларни, ҳўжалик соҳасидаги ташаббусларни кучайтиришга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатларини кўриб чиқдилар. Улар мулкчилик тўғрисидаги ҳамда территориялар ва аҳоли пунктлари тузилиши ҳақидаги қонунларга киритган тузатишларнинг мақсади ана шундайдир.

● МАДРИД. Меҳнаткашларнинг умумий иттифоқи ва ишчи комиссиялари касаба союз конфедерацияси Испанияда маъмурлар амалга ошираётган мамлакатга Жанубий Африка Республикасидан кўплаб кўмир ташиб келтиришга қарши кампания бошладилар. Етакчи касаба союз марказларининг бу норозилик тадбири шахталар ва портларда намойишлар ўтказишни, ҳатто Жанубий Африкадан келтирилган кўмирни туширишни тўхтатиб қўйишни, шунингдек имзо тўплаш ва парламент гуруҳларининг вакиллари билан учрашув ўтказишни ўз ичига олади.

Меҳнаткашлар умумий иттифоқи халқаро муносабатлар секретари Мануэль Бонмати билан суҳбатда хабар қилишича, мамлакатга Жанубий Африка республикасидан кўмир ташиб келтириш кўпайиб 1981 йилдаги 370 минг тоннадан 1988 йилда 4,5 миллион тоннага етди. Бу эса Испания чет элдан сотиб олган бутун кўмирнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

● ВАШИНГТОН. Оқ уйнинг қатъий эътироз билдиришига қарамай, АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси узоқ давом этган мунозаралардан сўнг ҳозир мавжуд бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги ўрнига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш министрлиги тузиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинишини ёқлаб овоз берди.

Конгресс аъзоларининг аксарияти маъқуллаб овоз берган ана шу ҳужжатга кўра, мақкама раҳбари мазкур ҳукумат таркибига киради. Янги министрлик ҳузурида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан мустақил статистика бюроси тузилади. Бюро на маъмуриятга, на конгрессга бўйсунади. Қонун чиқарувчиларнинг фикрича, бундай бюронинг тузилиши «холис маълумот бериш ва сиёсий таъсирдан холи бўлиш» имконини беради.

● БМТ. БМТ хавфсизлик кенгашидаги мунозара қатнашчилари Исроилдан босиб олинган территорияларга одамларни кўчириб олиб боришга доир ғайриқонуний ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилдилар. Кенгаш чоршанба куни шу масала юзасидан музокараларни давом эттирди. Мажлис Совет Иттифоқининг илтимосига мувофиқ ўтказилмоқда.

Югославиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Драгослав Пенч қўшилмаган мамлакатлар гуруҳи номидан сўзга чиқиб, Исроил маъмурларининг ана шу тадбирлари муносабати билан чуқур ташвиш билдирди. Ҳозир дунёда муҳим ўзгаришлар бўлмоқда, давлатлар муаммоларни ҳал қилишга, келишиш йўлларини излашга уринмоқдалар. Бироқ Узоқ Шарқ муаммоси ҳамон ҳал қилинмай қолмоқда.

Исроил маъмурларининг тадбири босиб олинган территорияларда нуфус структураси бузилишига олиб боради ва шу сабабли 1949 йилги тўртинчи Женева конвенциясини қўпол равишда бузишдан иборат бўлади, деди Ҳиндистон вакили Т. П. Менин. Исроил сўнгги вақтда СССРдан кўчиб келган муҳожирларни ана шу территорияга жойлаштириши натижасида юз берган муаммо оккупация ғайриқонунийлигини яна бир бор таъкидлади. Исроил ўтказаётган сиёсат региондаги вазият тағин ҳам беқарор бўлишига олиб боради, тинчлик ва хавфсизликни тағин ҳам кўпроқ даражада хавф остида қолдиради.

Ливиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Али Трейки Қўшма Штатларни Исроилга молиявий маблағ беришни тўхтатишга чақирди. Бу маблағдан босиб олинган территорияларда янги қароргоҳлар барпо этиш учун фойдаланиш мумкин. У башарти Исроил олаётган миллиардлаб доллар маблағ бўлмаганида ўз сиёсатини амалга ошира олмаган бўлур эди, деб таъкидлади.

Шаҳримиз обод ва қўкаламзор бўлсин

Бўзчи белбоққа ёлчимас

ТОШКЕНТнинг экологик мувозанатини тартибга солиш ҳамда бозорлардаги сарҳил мевалар нархини бирмунча камайтириш учун биз биринчи навбатда шаҳримизни яшил либосга буркашимиз, боғ-роғларни кўпайтиришимиз зарур. Кейинги йилларда бу муҳим ишга Тошкент шаҳар Октябрь райони ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчилари етарлича эътибор бермоқдалар. Улар бу йил ҳам ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш икки ойлигини намунали ўтказишмоқда. Ишчи-хизматчилар районга қарашли майдонларда асосан мевали кўчатларни кўпайтириш, боғ-роғларни яратиш тараддудини кўришяпти. Масалан, Бош универсал магазин билан Хадра майдони ўртасида шундай кўркам боғ яратилди. Бошқарма коллективи боққа 115 та ўрик, гилос, олча ва бошқа дарахт кўчатларини ўтказишди. Уйғур кўчасидаги «Космос» кинотеатри олдида, Есенин номли боғда, Калинин турар жой даҳаси сингари аҳоли гавжум ерларда ҳам мевали боғлар вужудга келтирилмоқда. Уларга шу кунгача 600 тупга яқин ҳар хил мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бошқарма бўйича бу ишлар учун аслида 300 та мевали дарахт кўчати белгиланганди. Боғбонлар бу кўрсаткични 830 тага етказиб адо этдилар. Ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш икки ойлигида районнинг Гулобод, Калинин турар жой даҳаларига яна 150 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилади. Абай кўчасида эса 100 туп тут кўчати экилади. Районнинг яшил майдонлари ҳам ўзига хос жозибани касб этади. У ерлар алоҳида парваришланиб йўл четларига 1200 га яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

— Ҳар бир ниҳолнинг парваришига алоҳида эътибор зарур, — дейди бошқарма бошлиғи Собит Афзалов. — Аввалари кўплаб миқдорда кўчатлар экиларди, аммо уларнинг катта қисми қаровсиз қолдириларди. Натижада йил давомида аранг 20 фоиз дарахтгина қаддини ростлаб, қолганлари ёзнинг жазирама иссиғида сувсизликдан нобуд бўлиб кетарди. Эндиликда бундай хўжасизликка чек қўйилмоқда. Ҳар битта экилган дарахт учун боғбонларнинг шахсий жавобгарлиги оширилмоқда. Ана шундай иш усули қарор топганидан кейин ўтган йили экилган мевали ва манзарали дарахтларнинг 85 фоизи сақлаб қолинди.

Шунга қарамай, ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштиришда ҳали ечимини кутаётган талай камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Бизда айниқса ишчи кучи етишмайди. Районимизнинг майдони катта. Шунга қарамай бор-йўғи 180 ишчимиз бор. Хонаки ҳисоб-китобларга қараганда, районимизни яшил қиёфага бўркаш учун камида 900 ишчи кучи зарур бўларкан. Аммо умидсизликка тушганимиз йўқ. Бажонидил ҳамма топшириқларни адо этишга ўлгуряпмиз. Ўз ўрнида маҳаллий аҳоли ҳам бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Аммо ҳар доим ҳам улардан ёрдам кута олмаймиз. Бас шундай экан, ишчи кучини кўпайтириш чораларини ҳам кўриш керак. Акс ҳолда не умид ва орзу билан барпо қилинган боғлар, яшил хиёбонлар қаровсиз қолиб нобуд бўлиши мумкин.

Масаланинг бошқа томонлари ҳам бор. Мевали дарахтларни экиш ва парвариш қилишда техниканинг роли ҳам катта албатта. Бўзчи белбоққа ёлчимайди деганларидек, ҳозир ихтиёримизда на бирон бир трактор, на техник восита бор. Биз уларнинг ҳаммасини ҳар хил ташкилотлардан шартномалар асосида олиб вақтинчалик фойдаланамиз. Агарда шу техника ўзимизда бўлганида эди, дарахтларни экиш ва унга ишлов беришда қўл кучи сарфи анча камайган бўларди.

Районда суғориш шохобчаларининг аҳволи ҳам яхши эмас. Ҳозир ундаги дарахтларнинг 70 фоизинигина шундай воситалар ёрдамида суғориш, парвариш қилиш мумкин. Қолган дов-дарахтлар эса сув сепадиган машиналар ёрдамида суғорилмоқда. Бунда ҳам албатта ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Баъзан ичимлик сувидан фойдаланишга мажбур бўляпмиз. Сув бўлмаслигидан кўчатларнинг қуриб қолиш хавфи бизни туну кун безовта қилмоқда. Аввалари уй қабул қилиб олувчи давлат комиссияси сафида бошқарма ходимлари ҳам бўлишар эди. Афсуски, кейинги пайтларда ҳеч ким бизни янги уйни қабул қилишга жалб этмаяпти. Натижада уйларнинг олдидаги суғориш шохобчалари мутахассисларсиз камчиликлар билан фойдаланишга топширилмоқда.

Кейинги вақтларда бошқарма ишчи ва хизматчилари мавжуд муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо қарс икки қўлдан чиқади деган яхши бир гап бор. Мутасадди ташкилотлар ҳам бошқарма ишчиларига яқиндан ёрдам берса айни муддао бўлур эди.

Ғ. ЮСУПОВ.

«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Ёпиқ эшиклар остонасида»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 13 февраль сонида ана шу сарлавҳа остида танқидий мақола босилиб, унда шаҳримиздаги бир қатор магазинлар эрталаб ўз вақтида очилмаслиги, натижада харидорларни куттириб қўяётгани ва улар кўпгина қимматли вақтларини йўқотаётганликлари аниқ фактлар ва суратлар билан фош этилган эди.

Редакция мақола юзасидан Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси идорасидан жавоб хати олди. Идора бошлиғи Р. Убайдуллаев имзо чеккан ушбу хатда жумладан шундай дейилади:

— «Газетанинг 1990 йил 13 февраль сонида «Ёпиқ эшиклар остонасида» сарлавҳали суратли айбнома-мақола билан танишиб чиқдик. 15 февраль куни магазин мудирлари иштирокида ўтказилган умумий йиғилишда уни муҳокама қилдик.

43 ва 48-магазин мудирлари Я. Йўлдошев ва У. Қобуловларнинг масъулиятсизликлари кўпчилик ўртасида қаттиқ муҳокама қилинди. Бундан кейин шу каби нуқсонларга йўл қўймаслик учун чора-тадбирлар белгиланди.

Магазин мудирлари Я. Йўлдошев ва У. Қобуловларнинг бундан кейин камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида берган сўзлари инобатга олиниб, улар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Ҳозир 43 ва 48-магазинларнинг иши устидан мунтазам назорат ўрнатилган».

«Автобуслар кўпайтирилса»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 16 январь сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги танқидий мақолада 12-автопаркка қарашли айрим автобус маршрутларидаги нуқсонлар очиб ташланган эди.

Бу мақола юзасидан редакция Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Шаропов имзоси билан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Автобуслар кўпайтирилса» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 12-автопарк раҳбарлари иштирокида биргаликда кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам эрталаб ва кечқурун 58-автобус маршрутида йўловчилар жуда кўп бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда 58-автобус маршрутида 26 та автобус қатновини йўлга қўйганмиз. Қатнов оралиғи 4 минутга тўғри келади.

Маршрутларга чиқиб текширишлар шуни кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам 58-автобус маршрути ва 40, 75, 98-маршрутларда ҳаммаси бўлиб 74 та автобус қатнаб турибди, улар жадвалга тўла риоя қилган тақдирда ҳам, йўловчилар қатнови авжига чиққан кезларда уларни транспорт хизмати билан тўла таъминлаб бўлмаяпти. Бунга сабаб автобуслар етишмаслиги, мўлжалланган миқдорда таъминланмаганида. Бирлашма бу масалада Львов шаҳар автобус ишлаб чиқариш корхонасига талабнома юборди. Қўшимча автобуслар келтирилса, ана шу маршрутларда автобуслар қатновини кўпайтириш масаласи тўла ҳал этилади».

Хат босилмаса ҳам

Жангда қатнашганларга тегишли

Оқшомхон К. Ғуломов редакцияга йўллаган хатида савдо корхонаси [хизмат кўрсатиш учун] биркитиладиган (имтиёз берилади ган) кишилар кимлар эканлиги билан қизиққан.

Бу хат Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасига юборилган эди. У ердан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Шуни маълум қиламизки, юқорида тилга олинган имтиёз Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдони орқасида хизмат қилган шахсларга тааллуқли эмас. Юқори ташкилотларнинг қарорларига ҳамда Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг буйруғига асосан савдо корхоналарига биркитиш ҳамда хизмат кўрсатишдаги имтиёзлар фақат Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, Иттифоқ ҳамда жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионерларга, уруш даврида ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига берилади».

Адабини емаган ҳайдовчи

Оқшомхон А. Расулов редакцияга йўллаган хатида 64-маршрутли автобус ҳайдовчиси Одиловнинг йўловчиларга қўпол муомаласи, беодоблиги ҳақида шикоят қилган эди.

Бу хат текшириш учун Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилди. Шу бирлашма бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Шаропов имзо чеккан жавоб ҳатида жумладан шундай дейилади:

— «А. Расуловнинг 64-маршрутли автобус ҳайдовчисининг беодоб муомаласи тўғрисидаги хати билан танишиб чиқдик. 80—24 ТНМ автобус ҳайдовчиси Одилов ҳозирги вақтда касалхонада. Шу сабабли бу иш юзасидан текшириш олиб борилмайди. У касалхонадан чиққанидан кейин бу иш кўриб чиқилади».



ЕВРОПА БЎЙЛАБ... ПИЁДА

⊙ Швейцариялик альпинизм бўйича инструктор Серж Ротелли ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ одатдан ташқари сафарга чиққан эди: у Европанинг Жанубидаги Гибралтардан йўлга чиқиб, қитъанинг энг шимолий нуқтаси — Нордкап бурунигача бўлган 2.270 километр масофани фақат пиёда босиб ўтишга қарор қилганди.

Кейстон агентлигининг ушбу суратида сиз Серж Ротеллини январь ойининг охирларида ҳали Франция ҳудудида бўлган пайтида кўриб турибсиз. Унн рафиқаси ва икки фарзанди кузатиб боришяпти. Тўғри, улар оталари ортидан автомобилда боришни маъқул кўришади.

Кейстон — ТАСС сурати.

— Янгиликлар
— Воқеалар
— Хушхабарлар

«ЛЕНИН ВА ЎРТА ОСИЁ»

⊙ **ОЙБЕК номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ходимлари В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишлаб тайёрлаётган кўчма кўргазмалари ана шундай деб аталади.**

Кўргазма дастлаб олий ўқув юртларида, техникумларда, маданий кошоналарда, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда Тошкент область районларида намойиш қилиниши мўлжалланган. Ушбу кўргазма бўйича лекциялар ҳам тайёрланмоқда.

О. ЮСУПОВ.

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТГА ЯКУН

⊙ **ТОШКЕНТ Давлат дорилфунунининг рус филологияси 4-курс талабалари шаҳримиздаги Г. Дмитров номли 9-ўрта мактабда ўзларининг дастлабки амалий фаолиятларини якунлашди.** Шу муносабат билан ўтказилган конференцияда талабалар тўплаган амалий кўникма муҳокама қилинди. Унда сўзга чиққан мактаб муаллимлари кейинги вақтда ўқув даргоҳига келаётган талабалардаги иштиёқнинг кучли эканликларини алоҳида қайд этдилар. Талабалардан Н. Ҳасанов, Б. Раҳматуллаева, Д. Мусаева, Н. Жумаев ва бошқалар амалий фаолият давомида ўзларига яқиндан ёрдам берган мактаб ўқитувчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Конференция иши иккала билим даргоҳининг фаолиятини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
ТошДУ талабаси.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

⊙ **СОБИР Раҳимов районидаги Крупская номли маҳалла аҳли ўз кучи билан ёшлар клубини ташкил этди.** Жамоа эски болалар поликлиникаси биносини қайта таъмирлаб мазкур бинода ёшлар учун ҳамма қулайликлар яратишди. Шахмат, шашка, теннис каби бир қатор тўгараклар ташкил этилди. Клуб ёнида эса оталар чойхонаси мавжуд бўлиб, маҳалла отахонлари ишдан бўш вақтларини шу ерда ўтказишади.

Д. АЪЛОЕВ.

ДАҲА АҲОЛИСИ УЧУН

⊙ **ОКТЯБРЬ районининг Калинин даҳаси аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди.** Яқинда дорихона фаолият кўрсата бошлаган бўлса, бугун 150 квадрат метр савдо залига эга бўлган кундалик харид моллари билан савдо қилувчи дўкон ишга тушди.

Шунингдек бу ерда «Оптика» савдо шохобчаси қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Д. МУРОДОВ.

«НАСРИДДИН АФАНДИ — БУХОРОДА»

⊙ **КИНОЧИЛАР УЙИДА Бухоро шаҳри рассомларининг кўргазмаси очилди.** Унда Н. Саидов, А. Барноев, А. Ҳазратов, М. Абдуллаев, Э. Жўраев, Н. Қодиров, Д. Пак, Ҳ. Зоиров ва А. Еникеев каби бухоролик рассом-ҳайкалтарошлар яратган портрет ва ҳайкаллари билан бирга сопол идишлар ҳам ўрин олди. Расмларда «Насриддин Афанди — Бухорода», «Эски Бухоро» каби расмлар тасвирланган.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

ЯНА БИР ҚАҲВАХОНА

⊙ **ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ Карл Маркс кўчасининг «Зарафшон» ресторани қаршисида бунёд этилаётган бинонинг** бир неча йилдан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига аҳамият берган бўлсалар керак. Бугунги кунда бу ерда иш қизиб кетди. Шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси шаҳримизда ягона ҳисобланган қаҳвахона қуришни бошлаб юборди. Бошқарманинг хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш бошқармаси мутахассислари олиб бораётган бу объект ҳадемай фойдаланишга топширилади.

Р. ФАЙЗИЕВ.

ҲАЙДОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

⊙ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Дўмбиробод даҳасида ҳайдовчилар учун бензин қуйиш станцияси фаолият кўрсата бошлади.** Бу ерда 93 ва 76 маркали бензин харид қилиш билан бирга машиналарнинг ёгини алмаштириш ҳам мумкин. Шунингдек, бу ерда таъмирлаш ишларини бажариш устахонаси ҳам мавжуд.

Д. АЗИМОВ.

Олий таълим ва қайта қуриш

Ижтимоий фанларни ўқитиш масалалари

ҚАЙТА қуришнинг долзарб палласида демократик централизм диалектикаси ўзига хос кўринишга эга бўлмоқда. Бу, айниқса иқтисодий ривожланиш жараёнининг кўп қиррали кўринишларида: сиёсий ва бошқа формаларда акс этмоқда. Яъни ягона сиёсий партия орқали ёки кўп партияли плюрализм кўринишларида жамиятнинг иқтисодий тараққиётини амалга ошириш мумкин, деган хулосага олиб келадими-йўқми? Умуман, КПССнинг тарихий тажрибаси совет жамиятини қайси йўлдан қайта қуриш концепциясини амалга ошириш учун олиб боради. Хуллас, КПСС тарихи тажрибаси, унинг демократик централизм диалектикасини, унинг жумҳуриятимизда ўқитилиши борасида баъзи фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман.

Тарихга бир назар: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Акмал Икромов 1929 йил май ойида сталинча миллий масала юзасидан мактуб йўллар экан, партиявий демократик централизм принциплари бузилаётганлигини рўй-рост эслатади. Бу пайтда «Сталинча ҳокимият» томир отган бўлиб, бундай ҳаққоний баҳога эътибор берилмасди. Сталин бегона фикр юритувчилар, ўзидан ақлан донишманд одамлар билан айтишиб, баҳслашиб ўтирмай, оддий усул — йўқ қиларди. Худди шундай «тақдир» 1937 йилда А. Икромовга ҳам «насиб» қилди. Ўшанда, 1929 йилдаги ҳаққоний талаб Сталиннинг эсидан чиқмаган эди...

Ҳозирги инқилобий қайта қуриш шароитида, партиямиз олдида демократик централизм принципларини Ленин талаблари асосида тиклаш муҳим вазифа бўлиб турибди. Албатта, 1985 йил апрелидан бошланган қайта қуришни жумҳуриятимиз партия ташкилоти қандай амалга ошираётганини ва демократик централизм принциплари янада янги формалар олаётганини рўй-рост тарихан таҳлил қилиш зарур.

Юқоридаги фикрларни ривожлантириб, маҳаллий партия ташкилотларининг Марказий Комитет қабул қилган қарорларни кўр-кўрона эмас, балки маҳаллий шароитга ижодий тадбиқ қилган ҳолда амалга оширишларини назарда тутамиз. Шундагина, биз партия Программаси ва Уставига хилоф бўлмаган ҳолда иш юритган бўламиз. Бу ўринда, демократик централизм принциплари ҳар бир жумҳурият учун ҳам ягона ва маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган сиёсатга айланади.

Коммунистик партия тарихининг жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида ўқитилиши демократик централизм принциплари асосида олиб борилаяптими?

Ўтган йил август ойида СССР халқ таълими Давлат комитети «КПСС тарихи» ўрнига шошма-шошарлик билан «XX аср ижтимоий-сиёсий тарихи» курсини ўқув юртларида (техника, қишлоқ хўжалиги, медицина) ўқитиш учун тасдиқлади. Мана, тўрт ойдирки, шу курс бўйича лойиҳа-программа давлат комитети ва Москва Давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш институти КПСС тарихи кафедрасида муҳокама қилинмоқда. Ҳамон, мазкур лойиҳа-программа муҳокама қилинган ҳолда, бирор мақсадли, якунловчи фикр айтилган эмас. Ваҳоланки, КПСС тарихининг бой тажрибасини ўрганиш, уни маҳаллий партия ташкилотлари тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш диққатга сазовордир. Айтайлик, янги лойиҳа-программада «20—30 йилларда совет жамияти» деган тема бор. Темада НЭП, социалистик жамиятни қуришнинг ленинча концепцияси, Сталиннинг хатолари, маъмуриятчилик, буйруқбозлик системасининг келиб чиқиши Иттифоқ миқёсида талқин этилади. Бироқ, маҳаллий партия ташкилотлари тарихи ҳақида лом-лим дейилмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистонга нисбатан партия тарихи курсида 20-йиллар ўқитилар экан: жадидизм, пантуркизм, панисломизм қандай оқим ва Ўзбекистон Компартияси, ВКП(б)нинг Ўрта Осиё бюроси муносабатлари кенг талқин этилиши керак. Ёки Қўқон пединститути талабалари учун «Қўқон жумҳурияти» ва босмачилар ҳаракати тўғрисида муфассал лекциялар ўқилса, ўшанда «XX аср ижтимоий-сиёсий тарихи»нинг таъсир кучи ошади. Худди В. И. Ленин ва партия ҳужжатларида қайд қилинганидек, демократик централизм принциплари маҳаллий партия ташкилотлари тарихини ўрганиш билан мустаҳкамланиб борилади.

Умуман олганда, партия тарихи курсини, номланишидан қатъи назар, жумҳурият олий ўқув юртларида ўқитиш жуда чигаллашиб бормоқда. Боиси конкрет — бугунги кун талабида ўқув дарслиги ва қўлланмаси йўқлиги ҳамда сўнгги, айниқса 1987 йилдан кейинги тарихий ўзгаришлар — ҳар бир тема ва бобларга танқидий, тарихий ҳақиқат кўзи билан қарашни талаб қилади. Шунинг учун жумҳурият Халқ таълими министрлигининг ижтимоий фанларни ўқитиш Бош бошқармаси «XX аср ижтимоий-сиёсий тарихи»ни мукаммал ўрганиш бўйича, албатта маҳаллий материалларни зарурича қўлдаган ҳолда тарихчи-олимлардан иборат группа тузиб, энг аввало лойиҳа-программани қайта кўриб чиқиш, темалар бўйича қўлланмалар ёзишни мўлжалламоқда. Бу борада илк бор «КПСС тарихи курси бўйича ўқув қўлланмаси»нинг нашр қилиниши таҳсинга лойиқдир. Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги ижтимоий фанлар бўйича малака ошириш институтининг КПСС тарихи кафедраси мазкур курсида маҳаллий материаллардан қандай фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқмоқда. Бу қўлланма эса олий ўқув юртларимиз учун ниҳоятда зарурдир. Албатта, партия қурилишининг бош масалаларидан бири демократик централизм принциплари тўла сақланган ҳолда, яъни маҳаллий ташкилотлар фаолиятини кучайтириш асосида мазкур курс ўқитилади. Яна таъкидлайман, бугунги долзарб қайта қуриш тараққиёти бу жараённи талаб қилаётир. Марказнинг қудратли бўлиши жумҳурият, вилоятларнинг мустақил ривожланишидир. Демак, маҳаллий партия ташкилотлари тарихини мукаммал билмаган талаба — қандай қилиб ўз жумҳурияти учун жондилдан курашади?

М. С. Горбачев «Социалистик ғоя ва инқилобий қайта қуриш» мақоласида ҳам маҳаллий партия ташкилотларининг ролига, унинг тарихий ривожланишига катта эътибор беради. Демак, демократик централизм принциплари — марказдан то маҳаллий ташкилотларнинг мустақиллиги ва ривожланиши билан бойиди ҳамда ленинча формага қайтаверади. Бу эса бугунги кун талабидир.

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори.

Меҳр-шафқатли бўлайлик

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, БОЛАЖОН

⊙ **Маҳалламизда яшайдиган Мавлуда ая фарзандларини болалигидан «ойижон» дейишга ўргатган. Ўғли ёки қизи унга ана шундай мурожаат қилса, «Лаббай, жоним» дея эркалайди. Қандай яхши одат.**

⊙ **Неъматилла бобо ҳар гал уйининг олдида автобусдан тушаётганда неваралари чопқиллаб келиб, у томон талпинишади:**

— Бува, қўлингиздаги тугунни менга беринг! Йўқ, менга... Автобусдан суяб тушириб қўйиш ҳам ёдларидан чиқиб, тугундаги ширинликларни талашаётган болажонлардан бобо асло ранжимайди. Аксинча, уларга боқиб, яна яшараётгандек бўлади. Ажаб ҳол!

⊙ **Дўстим Тойиржоннинг икки фарзанди бир кунда таваллуд топган. Ўғли Сарвар Анвардан ёшига кичик бўлса-да туғилган кунини акаси билан бирга нишонлайди. Бахтли тасодиф!**

Ҳар кимнинг ўз болалиги бор. Ёши улғайган сари қайтарилмас дамларни эслаб, албатта қўмсайди. Ота-она бағрида яйраб ўсаётган кичкинтойларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Бизнинг келажагимиз, суянчиғимиз ана шулар. Ҳаётини болаларсиз тасаввур қилолмайдиган мураббийлардан бири Мардонбек Тўлаганов. Ҳозирги кунда у пойтахтдаги 35-мактаб-интернатга раҳбарлик қилмоқда.







— Мардонбек Ёқубович, болалигимни эсласам бувижоним ёдимга тушади. У киши доим, ҳатто жаҳллари чиқиб турганда ҳам кулиб сўрашардилар. Етим болалар ҳаётида ҳам хотирасига муҳрланиб қолувчи воқеалар содир бўлиб турадими!

— Табиатим ўзимга маълум. Қалби ўксик боланинг юракни ўртовчи йиғиси-ю, яйраб кулишидан тез таъсирланаман. Ёлғизлик — ёмон нарса. Бола бир ўзи қолганда баъзан хаёлига ҳар хил фикрлар келади, ўтган воқеаларни эслаб, руҳан эзилади. Шу боис интернат ҳаёти завқли-шавқли ўтишига алоҳида эътибор бераяпмиз. Байрамлар ва туғилган кунларда оталиқ ташкилотларининг вакиллари келишади, совғалар улашиб, болалар орасида бўладилар. Тошкент Давлат университети автобус топширганда шаҳарни айланганимиз, Чимён тоғи этагида дам олиш лагери очилгандаги қувончларни унутиб бўладими, ахир.

— Интернатда ишни дастлаб нимадан бошлагансиз!

— Болалар билан яқиндан танишиш, уларнинг табиатини ўрганишдан. Илгари мен комсомол органлари ва ҳунартехника билим юртида ишлаганман. Очиғи, қачонлардир тирик етимлар ва ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар орасида бўламан, деб сира ўйламаган эдим. Бу болалар бошқача, аччиқ ҳаёт сабоқларини анча эрта ва кўпроқ татиб кўришган. Шу боис улар билан ишлашда тарбиячидан қунт ва маҳорат талаб этилади. Аноним анкеталар тарқатиб, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг қайси ишлари маъқул, қайсиниси ёқмайди ва нима учун, бўш вақтни қандай ўтказиш лозим, дарсга қатнашув ва бошқа кўплаб саволларга жавоб олдик. Шунда қўл остидагиларимизнинг хоҳиш-истаги, мақсади ва дунёқараши яққол намоён бўлди.

— Тарбияга «макаренкочасига» ёндошаётган экансизлар. Бу қандай натижалар бермоқда!

— Биз ўз-ўзини бошқаришни кенг йўлга қўйганмиз. Интернат Кенгашининг раиси этиб Яша Якушкин сайланган. Болалар унинг раҳбарлигида тарбия ўчоғи ўзлариники эканлигини тушуниб етишди. Устахонадаги асбоб-ускуналар ва сайқалталаб мебелларни созлашаяпти, дидларига мос кийим-кечаклар тикишаяпти. Дам олишнинг кўнгилли ташкил этилаётгани яхши натижалар бермоқда. Қисқа вақт ичида Киев, Вильнюс, Самарқанд шаҳарларига сафар қилдик, икки марта Сирдарёга балиқ овига бордик. 1988/89 ўқув йилида 12 тарбияланувчимиз устидан жиноий иш қўзғатилган бўлса, эндиликда бу рақам 3 тага тушди.

— Болаларнинг ота-оналар билан дийдорлашуви қандай ўтади!

— Бу қувончли воқеа. Чунки учрашув пайтида боланинг хурсандчилигини сўз билан таърифлаш қийин. Орадаги меҳр-мурувватни кўриб мана шу ота ёки она фарзандини ўз бағрига олса керак, деб ўйлайсиз. Тўғри, шундайлари ҳам бор. Аммо кўпинча уларни юқори синфга ўтганда, яъни қўлларидан иш келадиган пайтда топадилар. Берилган янги кийимларимиз бола уйидан қайтганда баъзан ота-онаси эгнида ёки бутунлай бўлмаслиги мумкин. Шундай пайтда ён-атрофдагиларнинг нафрати янада ошади. Аслида болаларни уйларига юбормаслигимиз лозим. Аммо ота ёки она ким, қандай бўлишларидан қатъий назар фарзанд барибир улар томон талпинади. Агар рухсат бермасак, ўзлари қочиб кетишади ва қилган ишидан кўрқиб, анча вақтгача қайтиб келмайдилар.

— Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асарида мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳунар ўрганиб, ишлаб ўзларини боқаётгани, кийинтираётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сизларда қандай!

— Озгина фарқ қилади. Юқорида айтганимдек, болалар бўш пайтларида кийим-кечак, пойабзал тикишаяпти, дурадгорлик, қуриш-ясаш сирларини ўрганмоқдалар. Ишлаб топган пуллари эса «жамғарув дафтари»га ўтказилиб, балоғат ёшига етгач қўлларига берилади. Кейинги пайтда «Тарбиямиз қашшоқлашиб кетаяпти», «Ҳозирги авлод ҳеч нарсага эътибор бермай қўйди», деган иборалар пайдо бўлаяпти. Менимча, бу ёшларга ишонмай қўйганимиздан.

Уларга йўл кўрсатиш, оталарча ғамхўрлик қилиш керак. Шундагина ҳақиқий инсонларни камол топтирамиз.

— Етимхоналардаги аҳволни яхшилаш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз!

— Тирик етим болаларни алоҳида интернатларда тарбиялаб, улардан меҳр-шафқатни аямаслик керак. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар шаҳардан чеккароқда бўлганлари мақсадга мувофиқдир. Улар олдига ота-оналари қўйилмаслиги зарур. Болалар уйи ёки интернатнинг территорияси томорқа ва хўжалик юритишга, боғ-роғга мўлжаллансагина кўнгилдагидек бўлади. Энг муҳими, тарбияланувчилар умумий таълим мактабларида билим олишларига эришиш керак. Уйдаги болалар билан мулоқот улар дунёқарашининг шаклланишига олиб келади. Шоир Ҳайдар Муҳаммаднинг қуйидаги тўртлиги бор:

Дерлар, одамни ғам
йиғлатади,
Етимлик, ёлғизлик, алам
йиғлатади.
Ғам-у, аламларни гуноҳкор
этманг,
Аслида одамни одам
йиғлатади.

Шундай экан, ҳар доим бирбиримизга мурувватли бўлиб, меҳримизни аямассаккина ўртамизда оқибат йўқолмайди. Фарзандларимиз ҳам ота ёки она меҳрига зор бўлмай, камол топадилар.

Суҳбатдош
С. ШОДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: интернат ҳаётидан лавҳалар.

Д. Аҳмедов суратлари.

Турмуш чорраҳаларида

БЎҲТОННИНГ ҚОРА ШАРПАСИ

Туҳмат, бўҳтон балодур,
Сийнанг ўтга солодур.

Ҳа, азизлар, туҳмат, бўҳтон балоси кишини ҳар куйга солади, асабларни қақшатиб, дилни хуфтон қилади, киши соғлиғини эговлайди. Туҳматчилар, бўҳтончилар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нимадан қайтмайдилар, ҳар хил ўйлар билан турли ҳийла-найранглар ишлатиб, мақсадига етиш учун ҳар қанақа пасткашликларга ҳам қўл уришга тайёр бўладилар. Туҳмат натижасида не-не софдил инсонлар овора бўлиб, сарсон-саргардонликларга учрайдилар.

Туҳмат натижасида бошланган текшир-текширлар ҳақиқатни юзага чиқариши муқаррар. Дарҳақиқат, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Аввало бу эгилишлар тордай тортилган асабларни юмшатармикин? Бевақт бошга қўнган «қиров»ни йўқотармикан? Юрагингдаги илк бор санчиқ дардини нима битказади, нима? Айрилган соғлиғингни ким қайтаради? Бўҳтон солган қалбдаги чандиқларни ким кеткизади? Вайрон бўлган дил чечакларини, эрта хазон бўлган умид куртакларини ким яна қайта кўкартиради, ким?

«Бўҳтон қиличдан ҳам мудҳишроқ қуролдир, — деган эди инглиз адиби Генри Филдинг, — чунки унинг ярасини умрбод даволаб бўлмайди». Шундай экан, инсон қалбига абадул-абад заҳмат етказаётган оғуга доим барҳам бериш керак.

Бўҳтоннинг қора шарпалари кезиб юраркан, у нафақат яхши одамларга ёпишади, балки унинг асоратлари ичида излари, аянчли натижалари ҳам борки, бундан нафақат туҳматчи нишонидагилар, балки бутун жамиятимиз ҳам анча зарар кўради. Чунки кўп нарсаларга қодир истеъдодли кишилар жамиятимизга катта фойда келтирадилар. Улар халқ оғирини енгил қилишлари сир эмас-ку!

Туҳмату бўҳтон асосан қаллобларнинг қуролидир. Чунки улар ўз мақсадларига етишиш учун қаллобликнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар. Сабаби, уларда на виждон, на истеъдод, на қобилият бор, шунинг учун ярамаслар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нимадан қайтмайдилар. Аммо бундан, туҳматчилар овсар экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Улар биз ўйлаганимиздан кўра ҳам уста бўлиб, риёкорлик «илми»дан хабардорлар. Шунинг учун туҳмат ёки бўҳтоннинг ишонарли тарзда чиқиши учун уларда «зўр қобилият» бўлади. Туҳмат ва бўҳтон уюштирувчилар ҳийлагина устомон бўлишади.

Туҳматчиларнинг яна бир ўткир қуроли бўлиб, унинг номини ҳийла-найранг дейдилар. Туҳматчи ўзининг шахсий, ғаразгўй мақсадига етиш учун турли хил ҳийла-найранглар ўйлаб топади, шундай найранглар ишлатадики, кўриб беихтиёр ёқангни ушлайсан. Бундан ташқари, туҳмат ва бўҳтонлар ҳам замонга мослашиб, такомиллашиб бормоқда. Ўз формаларини ўзгартириб, ниқобланган йўл-йўриқларга эга бўлиб бормоқда. Масалан, улар қайта қуриш ишига киришган бўлиб кўринади-ю, аммо барибир улар учун шахсий манфаатлари, ўз хоҳиш-истаклари биринчи ўринда туради. Агар уларнинг қилмишлари фош бўлгудек бўлса, яшириш мақсадида бошқа жойдан шовқин-сурон кўтарадилар. Жамоатчиликнинг фикрини чалғитиб, сувдан қуруқ чиқишга интиладилар. Гоҳида улар бунинг уддасидан ҳам чиқадилар, кўзлаган мақсадларига етадилар ҳам.

Туҳматчи ўлса ҳам — туҳматчилик ўлмайди, бунинг сабабини жамиятимиздаги салбий иллатлардан излаш керак. Чунки улар туҳмат ва бўҳтонни яшаш учун имконият манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайдилар. Бундан ташқари, туҳматчиларнинг дунёқарашлари ғализ, ичи кир, бахил одамлар бўлганлари учун ҳам ҳар қандай ғаламисликлардан қайтмайдилар. Бировлар қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятлар улар учун азоб, бундай пайтда бўҳтончилар ҳаётнинг «бедодлигидан куйиб-ёниб» ўзларини минг мақомга соладилар. Лекин бундан, туҳмат ва бўҳтонларга қарши курашиб бўлмас экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Ушбу иллатга ҳам қарши кураш олиб бориш чораси бор — унинг отини ақл дейдилар. Ақл-фаросат билан иш тутилса, босиқлик, вазминлик меъёрларидан фойдаланилса, бўҳтон балосининг олдини олиш мумкин.

Ниқобланган ёки ошкора туҳматчиларга қарши курашда раҳбарларнинг зийраклиги ҳам қўл келади. У ёки бу кўринишда пайдо бўлаётган туҳматчилар вақтида аниқланиб, олди олинса яхши. Ҳай-ҳай, акс ҳолда улар бутун оламни ҳам туҳмат ўти ичида қолдиришга тайёрдирлар. Чунки бўҳтон қилишга, кишиларни доимо бадном қилиб юришга ўрганган кимсалар ҳеч қандай разолат ва қабиҳликлардан қайтмайдилар. Ҳар қандай иблислик улар фаолиятининг қуролига айланади.

Ижтимоий ҳаётда учрайдиган бу иллатга қарши қатъий кураш олиб бориш пайти келди. Чунки қайта қуриш жараёни кечаётган, жамиятимиз ўзининг шу давргача булғаб келган барча иллатлардан софланаётган ҳозирги вақтда ўзининг салбий оқибатлари билан турмушимизга катта зарар етказаётган бўҳтон уруғини қуритиш керак!

Мусақул УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Советлар мамлакатида

● МОСКВА. Москва сиёсий институти—КПСС пойтахт шаҳар комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университети ва партия, совет ҳамда идеология кадрларининг малакасини ошириш курси базасида ташкил этилган янги ўқув юрти ана шундай деб аталади. Марксизм-ленинизм университети ва курс фаолиятидаги маълум ўхшашликка барҳам бериш, жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларни партия-сиёсий ўқувининг мазмуни ва шаклларида акс эттириш институтни ташкил этишга сабаб бўлди.

● ДАЛЬНЕГОРСК. Илгари тадқиқот ишлари ўтказилган маршрутларни текширишга қарор қилган Приморье ўлкаси геологларини улкан муваффақият кутар эди. Улар тайганинг Синанчи посёлкаси яқинида кумуш рудаси конини топишди. Мутахассисларнинг фикрича, бу кон ўлкадаги маълум кумуш конларидан устун туради.

● НОВГОРОД. Волхов дарёсида тошқин сув сатҳи ўтган йилдагидан бир метр баланд, 643 сантиметрлик белгига кўтарилди. Дарёга туташган аҳоли пунктлари территорияларини сув босиш хавфи туғилганлиги муносабати билан область ижроия комитетининг фавқулодда ҳолатлар бўйича комиссияси СССР энергетика министрлигига Волхов гидроэлектростанцияси тўғонларини очиб юборишни талаб қилиб мурожаат этди. Ана шу чора-тадбирларга қарамай, мутахассисларнинг фикрича, сув сатҳи 648-650 сантиметргача кўтарилиши мумкин. Фақат шундан кейингина пасайиш бошланади.

● ОЛМАОТА. Қозоғистон пойтахтида «Полимерларни синтез қилишнинг ноанъанавий усуллари» деб номланган биринчи халқаро мактаб-семинари иш бошлади. Мамлакатимиздаги элликта илмий муассасанинг икки юздан зиёд ёш олими АҚШ, Япония, ГФР ва бошқа мамлакатлардан келган етакчи профессорларнинг лекцияларини тинглайди. Улар полимерлар химиясининг сўнгги ютуқлари ҳақида билиб оладилар, илмий маълумотларни айирбошлаш ва бундан буёнги тадқиқотларда қандай йўналишларга устунлик берилишини белгилаб олиш имконига эга бўладилар.

● ТОШҲОВУЗ. Туркманистоннинг Тошҳовуз районидаги Оржоникидзе номли колхозда уй-жой муаммосини ҳал этишнинг кутилмаган йўли топилди. Колхоз бешта кооператив уй қурдириб, энди уларни айниқса муҳтож бўлган кўп болали оилаларга имтиёзли шартларда таклиф этаяпти. Бундан ташқари бу ерда колхозчиларга шахсий қўрғонлар қуришга қарз бериш учун маблағ топилди. Қурилиш материалларини олиб келишга ёрдам берилаяпти, колхоз қурилиш бригадаси кучи билан ветеранларга турли бинолар тиклаб берилаяпти.

● МУБОРАК. Ўзбекистоннинг Қарши чўлидаги навқирон Муборак шаҳри аҳолиси энди ўз телестудияси кўрсатувини томоша қилиш имконига эга бўлди. У шаҳар ёшлар уйида жамоатчилик асосида ташкил этилди. Студия шаҳар ва область турмуши тўғрисидаги оператив маълумотларни бериб боришдан ташқари, телетомошабинларнинг буюртмаларига биноан бадиий фильмларни намойиш қилади.

Сўранг, жавоб берамиз!

УЗОҚ ЎЛКАЛАРГА ОТЛАНГАНЛАРГА

Бизнинг ҳарбий хизматдан қайтганимизга кўп вақт бўлмади. Ҳозир армиягача ишлаган корхонамизда ўзимизнинг ишимизни давом эттиряпмиз. Энди мамлакатимизнинг узоқ ўлкаларига комсомол-ёшлар билан бирга ишга бормоқчимиз. Бу борада қонунда қандай имтиёзлар бор?

Узоқ ўлкага ишга отланган киши оилалик бўлса, у ҳолда яна қандай имтиёзлар берилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Б. Собиров, К. Акбаров, Н. Ҳамидов, хизматчилар.

СССР Министрлар Советининг 1984 йил 27 сентябрдаги «Ишга қабул қилишни уюштириш ва ёшларнинг жамоатчилик чақирувларини тобора такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 1985 йил 1 январдан эътиборан амалда тадбиқ қилиниб келяпти.

Ташкилий йўл билан ишга юборилаётган шахслар меҳнат масалалари билан шуғулланувчи идоралар, корхона ва ташкилотлар билан муайян муддатга меҳнат шартномалари тузадилар. Бунда шахсларга ва у билан бирга кўчиб борувчи оила аъзоларига йўл харажатлари берилади.

Муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасида ишчининг ўзига нафақа белгиланади. Унга бериладиган нафақанинг тўртдан бир қисми ишчи билан бирга кўчиб бораётган оила аъзосига ҳам берилади.

Бундан ташқари муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасига асосан иш жойига етиб келганларга (шунга қадар корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаганларга), шунингдек ҳарбий хизматдан бўшаган кишиларга бир ойлик маоши миқдоридаги нафақа янги иш жойида берилади. Сафарга ҳозирлик вақти ва янги иш, яшаш жойига боришга кетган вақтлар учун ойлик маошнинг 6 кунлик миқдоридан ошмаслик шарти билан нафақа тўланади.

Оила аъзоларининг кўчиб бориш ҳақи, мол-мулкини ташиш ва уларни бир йўла нафақа билан таъминлаш ҳуқуқи шундай шартга риоя қилишни талаб қилади: ишчи турар жой берилганидан кейин у бир йил ичида кўчиб кетмаслиги ёки ишчи билан корхона (ташкилот) ўртасида тузилган меҳнат шартномаси 2 йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бўлиши шарт. Шундагина бу ҳуқуқлар сақланади. Барча тўлов-харажатлар уюштирилган қабул ёки жамоатчилик чақирувини ташкил этган корхона (ёки ташкилот) зиммасига юкланади.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Тарбия муассасаларида

Маҳаллада боғча

Ҳозирги кунда маҳаллаларнинг равнақ топиши ва ота-оналарга қулайлик яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Куни-кеча Октябрь районидаги «Наврўз» маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган янги боғча биноси ишга туширилди. Бу боғчага маҳалладаги 160 кичкинтой боради.

Болалар масканининг очилиш маросими жуда тантанали бўлди. Ота-оналар, район ижроия комитети ва халқ таълими бўлими вакиллари миннатдорчилик сўзларини айтдилар. «Наврўз» маҳалла комитетининг раиси О. Ортиқов ота-оналар ва кичкинтойларни янги бино билан табриклади.

Маъфират ОРИФЖОНОВА.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Қуйи жамоаларда

УЛАР МИНСККА БОРИШАДИ

Бир неча йилдирки, «Комсомольская правда» рўзномасининг соврини учун ҳаваскор футболчилар орасида Бутуниттифоқ мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Бу ўйинларда жумҳуриятимиз вакиллари ҳам иштирок этишаяпти. Дастлаб икки команда — «Фортуна» ва «Красновосточник» майдонга тушган эди. Аммо, ишқибозларнинг ишончи оқланмади. Кейинги йили «Текстильщик»ка ҳам омад кулиб боқмади. Бу сафар тобора маҳорат тўплаётган «Авиастроитель» командаси жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Жамоа 1983 йилда Тошкент авиация бирлашмасига қарашли 7-турар-жой бошқармаси қошида ташкил этилган. Унинг сафида турли миллат вакиллари бор. Масалан, ҳимоячи Равшан Шожалилов — ўзбек, дарвозабон Александр Молюков — рус, Геннадий Ромашенко — украин, Григорий Брайков — молдаван. Қувончлиси шундаки, йигитларнинг барчаси корхонада меҳнат қилишади. Ҳафтада уч кун машғулотлар ўтказиш қатъий режа қилиб қўйилган.

— Аёз кунлари ҳам ташқарида машқлар тўхтатилмади, — дейишди ўйинчилар. — Буни шароит ёмонлигидан эмас, балким чиниқиш учун қилдик.

— Финалга чиқиш осон бўлмагандир? — сўраймиз команда капитани Евгений Мушаковдан.

— Нимасини айтай, ғолиб чиқиш осон бўлмади. Мусобақаларда қатнашган ҳар бир команда ўз услубига эга, тажрибали эди. Финалда «Шайҳонтовур»га қарши ўйнадик. Учрашув иккала томоннинг тенг кураши билан ўтди, ҳисоби. Аммо ўйин тугашига 5 минут қолганда ҳужумчимиз В. Мосягин рақиблар дарвозасига ҳал қилувчи тўпни киритди. Дарвоқе, Володя жумҳурият ҳакамлар кенгаши раисининг ўринбосари. Бизда эса ўйиновчи-тренер.

Жамоада байналмилал иноқлик, ўзаро ҳурмат ҳукмрон. Яқинда устоз ўйинчи Владимир Мишеренинг 40 ёшини бир дастурхон атрофида ўтириб нишонлашди.

— Олдимизда ишқибозлар олқишини оқлашдек масъулиятли вазифа турибди, — деди В. Мосягин суҳбат пайтида. — Футболчилар Минскда бош совринни қўлга киритиш учун бор маҳоратларини ишга солишади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: команда аъзоларидан бир гуруҳи.

А. Мамадаминов сурати.



НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

⊙ Яқинда Штутгарт шаҳрида ўтказилган мини-футбол турнирининг ғолиби, Киевнинг «Динамо» футболчиларини 25 та «Мерседес» маркали автомашиналар ютуғи кутмоқда. Олег Протасов бу ҳақда шундай деди: «Кимни тезкор футбол ўйнашни хоҳлар экан, унга тезюрар машина керак бўлади».

⊙ «Фиат» фирмаси ва «Ювентус» командасининг ҳўжайини Жованни Аньеллининг айтишича, Италия терма командаси футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўйнайдиган кунлари дам олишади. Бунинг учун улар шу кунларини олдиндан, май ойининг шанба кунлари ишлаб берадиган бўлишди.

⊙ «Аниқланишича, С. Пряхин Миллий Хоккей Лигаси билан шартнома тузган биринчи совет хоккейчиси эмас экан», — деб ёзади Иваново-нинг «Ленинчи» газетаси.

Пряхиннинг шартномаси ҳақида ҳали сўз бормасдан илгари, ўз вақтида СССР ўсмирлар терма командаси сафида қатнашиб келган, ленинградлик хоккейчи В. Нечаев америкалик аёлга уйланиб, АҚШга кўчиб кетган эди. Бу ерда у «Лос-Анжелес Кингз» командаси билан шартнома тузган.

⊙ Жаҳон тенниси тарихидаги энг «қимматбаҳо» турнир шу йилнинг 11-16 декабрида Мюнхенда бўлиб ўтади. Биринчи марта ўтказилаётган «Катта дубулға» нубогининг умумий мукофотлари фонди олти миллион долларни ташкил этади.

Профессионал-теннисчилар Ассоциацияси томонидан уюштирилаётган мусобақа ғолиби икки миллион, иккинчи ўринни олган теннисчи эса миллион доллар билан мукофотланади.

Рус тилидан
Ҳ. ЮНУСОВ ўгирган.

ИРОДА УСТУН КЕЛДИ



Ажойиб тадбир С. Раҳимов районида ташкил этилди. Беллашувда 40 нафарга яқин шахмат ишқибозлари иштирок этдилар.

— Мусобақа Наврўз муносабати билан уюштирилгани учун жуда қизиқарли бўлди, — деди район халқ маорифи ходимлари касаба союзи комитетининг раиси А. Шарипбоева. — Ҳар бир мактабдан 5 нафардан ўқитувчи қатнашишга эришдик.

Ишқибоз шахматчилар катта маҳорат, бой комбинациялар кўрсатолмаган бўлсалар-да, учрашувни кўтаринки руҳда якунлаш учун хоҳиш-ирода, иштиёқ борлиги сезилиб турди. Баҳсда 1, 191 ва 28-мактабларнинг командалари фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларни топширилди.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: мусобақа пайти; 28-ўрта мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Р. Соатов (ўнг томонда) команда аъзоларига эсдалик совғаларини топшираяпти.

Муаллиф суратлари.



Шарқ яккакураши

— Дзен-куцу-дачи, хаджиме!

— Ио-о! — барча дарҳол жанговар ҳолатни эгаллайди. Оппоқ кимонолар тердан жиққа ҳўл. Сэнсайнинг сўзлари бирин-кетин жаранглайверади:

— Гедан-барай, хаджиме!

«Гедан-барай» — зарбадан ҳимояланиш дегани. Эллик чоғли йигитларнинг кўпчилиги унинг сирларини пухта эгаллашган, ҳаракатлари аниқ, гўзал. Баъзиларида эса тезлик етишмайди — ҳали имкониятларини жамлай олганларича йўқ. Шуғулланаётганлар — Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган ОКОД — оператив комсомол дружинаси аъзоларидир. Улар асосан Тошкент Давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультети талабалари ва байналмилалчи-жангчилардан иборат.

Машқлар қийин, мураккаб. Ўйланиб қоласан киши. Йигитларни айнан у-шу билан шуғулланишга нима мажбур этмоқда? Қулай фурсат топиб, уларга шундай савол билан мурожаат қилдим.

Ш. Раҳимов: ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида ишлайдиган кишиларга бундай машқлар жуда зарур. Жиноятчиликка қарши ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам кураш олиб бориш керак.

Б. Қораев: У-шу ақлни соғломлаштиради, тананинг ҳар томонлама барқарор ривожланишига ёрдам беради. Мен машқлар давомида шуни англадим.

Машғулотларга ёш ўсмирлар ва қизлар ҳам қатнашишаяпти. Масалан, пойтахтдаги 39-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Салоҳиддин Қосимов бошлангич «ката»ларни ўрганиб олган. Ёшига нисбатан катта ютуқ бу.

Сенсай Ф. Ҳамидов билан ҳам суҳбатлашдик.

— У-шуга ўн икки ёшимдан қизиққанман, — деди у. — Аввал Киевда машқларга қатнашдим, сўнг Қўқонда. Афғонистонда махсус ротада хизмат қилганман. Тошкентга қайтгач, Ли Ман, Субха исмли хитой йигитлари билан танишдим. Кейин «ТайВИ»га аъзо бўлдим, «Қора белбог» даражасини олдим. Мана, энди ОКОДни туздик. Йигитларимизнинг барчаси имон-эътиқоди бут, қобилиятли.

— У-шу қизлар учун оғир эмасми?

— Биз босқичма-босқич мураккаблашиб борувчи машқларни қўллаймиз. Қизларимиз меҳнаткаш, чидамли. Бундай олганда, кун бўйи далада чопиқ қилаётган юз-юз эллик килограмм пахтани елкасида кўтариб чиқаётган аёлларнинг меҳнати олдида у-шу машқлари нима бўпти?.. Чарос Содиқовани кўрдингиз. Мен уни ёшлигидан биламан. Суяги меҳнатда қотганлиги учун кўп қийналмади. Мана, яқинда «ТайВИ»га қабул қилинади. Гулбаҳор, Фотималарнинг ҳам ҳаракатлари яхши. Ким билади, балки улардан аёллар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон у-шу усталари етишиб чиқар?..

Қадимда аждодларимиз мусиқа, шеър ва жанг санъатидан бехабар йигитларни йигит санамас эканлар. ОКОДдаги ишлар гўзал анъаналарни тиклаш йўлидаги кичкина бир уриниш десак муболаға бўлмас. Яна бир муҳим томони, С. Раҳимов район ички ишлар бўлими ходими, капитан А. Асадилов дружиначилар фаолиятидан мамнун.

И. СУЛТОНОВ.

«САЛОМАТЛИК» МУСОБАҚАСИ

● **ЙЎЛДОШ Охунбобоев номидаги тўқимачилик ва енгил саноат институтида спорт ишлари яхши йўлга қўйилган.** Ҳар йили спорт анжомлари сотиб олиш учун 1000 сўм пул ажратилмоқда. «Чилангар» кооперативидан сотиб олинган тренажёрлар билан 5, 7-ётоқхонадаги спорт заллари жиҳозланди. Ҳозирги кунда қолган ётоқхоналар ҳам жиҳозланмоқда. Институт ўқитувчи ва профессорлари ўртасидаги «Саломатлик» спартакиадасини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Куни кеча ниҳоясига етган «Саломатлик-90» спартакиадасида еттита факультетдан тузилган еттита команда иштирок этди. Спартакиада якунига кўра «Инженер-иқтисод» факультети команда ғолиб чиқди.

М. ОРТИҚОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР халқ таълими нозирлиги Ўрта Осиё темир йўл қурилиши трестига ва базасига қарашли
15-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 йил учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 9-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қурилиш машиналарини ремонт қилиш технологияси бўйича слесарлар, монтажчи, ғишт терувчилар, бўёқчи-сувоқчилар, дурадгор, дурадгор-мебелчилар, автоматика ва телемеханика қурилмалари билан жиҳозлаш бўйича монтёрлар, электр пайвандчилар, электр ва газ пайвандчиси ва плита ўрнатувчилар.

БИР ЙИЛЛИК ГРУППАЛАРГА 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

электр пайвандчи, электр ва газ пайвандчи, дурадгор, дурадгор мебелчилар, қурилиш бўёқчиси, ғишт терувчи ва пардозловчилар, 30 сўм стипендия тўланади. Совет Армиясини 1990 йил май ойида тугатганларга 75 сўм стипендия берилади.

ҚИЗЛАР УЧУН:

«Давлат жамғарма кассаларида ишловчи «кассир-контролёрлик»ка фақат йўлланма билан келганларга ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Бичувчи-тикувчиликка фақат прописка си бўлган қизлар қабул қилинади ва ойига 30 сўм стипендия тўланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАЛАРИ ТРЕСТИГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ.

Билим юртида ётоқхона мавжуд. Жумҳуриятимиз вилоятларидан келганлар жой билан таъминланадилар.

Шунингдек билим юртида бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди, спорт секциялари ишлаб турибди. Билим юрти касблар ва умумтаълим фанлари бўйича ўқув базасига эга.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 113-уй, 26, 5, 23, 154-автобусларнинг «Иззат»; 3, 23-трамвайларнинг «Котельная» бекатлари. Телефонлар: 96-17-61, 96-43-41.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг
30-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
УЗОҚ ШАРҚ УЧУН ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН
1990-1991 ўқув йили учун
ЁШЛАРНИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электровоз машинистининг ёрдамчиси, пассажир вагонларининг проводники, йўл мастери, ҳаракат составининг ремонтчи-слесари.

ЎҚИШГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ИСТЕЪФОГА БЎШАТИЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой, стипендия — ойига 72 сўм. Дарслар рус тилида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Амалий машғулотлар «Хабаровск — Москва», «Тошкент — Иркутск» поездларида ўтказилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, паспорт, ҳарбий билет, характеристика, яшаш ва иш жойидан справка, 10 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН БОШЛАБ 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширганн ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.лар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Бобомурод ҲАМДАМОВнинг

30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:

«ЛАЗГИ» ВОҚАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг ғолиблари

МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОХУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА

«ДЎСТЛАР КУЙЛАГАНДА ВА КУЛДИРГАНДА»

КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

5 апрелдан то 1 декабргача АБДАЛИН кўчасидан иссиқлик трассаси ўтиши муносабати билан (ГУЛСАРА кўчасидан то КРАСНОВОСТОЧНАЯ кўчасининг транспорт қатнайдиган ўнг қисми участкаси)

БЕРКИТИЛАДИ

АВТОБУС МАРШРУТЛАРИ ҲАРАКАТИ ВАҚТИНЧА ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

49 ва 112-автобуслар Абдалин кўчасидан бошлаб, Гулсара, Ҳусанбоев, Красновосточная кўчалари бўйлаб ва ундан кейин ўз маршрути бўйлаб ҳаракат қилади.

Орқага қайтишда ҳам шу йўналиш сақлаб қолинади.

63 ва 73-автобусларнинг ҳаракати Ҳамроев кўчасидан «Қорасув» автостанциялари йўналишида ташкил этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИ ҲАРАКАТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

Маълумотлар учун телефон: 34-82-87.



ВМРС (ХТ/АТ) ТУРЛАРИГА МОС КОМПЬЮТЕР ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КЎПАЙТИРУВЧИ ТЕХНИКАГА ЭГА БЎЛГАН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ИНТЕРМИКРО»

СОВЕТ-АВСТРИЯ ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИНМАСИ

Кафолат муддати тугаган, ремонт ва инженер-техник сервис хизматига муҳтож бўлган шахсий компьютер ва кўпайтирувчи техникаларни

ОЛДИНДАН РЎЙХАТГА ОЛАДИ

Бўлинма техникангизнинг бундан кейин ҳам ишончли ва самарали ишлаши учун зарур программа ва техник анжомларга эга.

«ИНТЕРМИКРО» ҳамкорлик корхонасининг Ўрта Осиё бўлими чет эллардан ишлаб чиқарилган янги компьютер ҳамда кўпайтириш техникасини монтаж қилиш, соалаш ва фойдаланишга топшириш билан бирга кафолат муддати ўтганидан сўнг ҳам сифатли ремонт ва сервис инженер-техник хизматини ўз зиммасига олади.

Биз яқин кунларда ўзаро хизмат алоқаларини ўрнатиб, ҳамкорлик қилишга умид боғлаймиз.

Шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари ва нусха кўпайтириш техникасининг тўғри, уларнинг нуқсонлари кўрсатилган хатларни қуйидаги манзилгоҳга юбориш зарур: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 123-уй. Телефонлар 48-40-47, 48-66-57.

Телефакс — 48-66-52.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА САНОАТ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Агарда Сиз ўз маҳсулотингизнинг доврўғ қозонишни, Ўрта Осиё ва бутун мамлакатимизда буюртмачилар сонининг кенг миқёсда бўлишини хоҳласангиз

БУТУНИТТИФОҚ «ИЗОТОП» БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КОРХОНАСИ

Сизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж ва маҳсулотларни сотиш истиқболларини аниқлаш мақсадида ахборотлар юбориб туриш билан бирга тўғридан-тўғри почта рекламасини ташкил этиш юзасидан

ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Шартномалар тузиш масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, «Ц» квартали, 6-а уй. Маълумотлар олиш учун телефон: 76-67-84.

П. Ф. Боровский номидаги Тошкент шаҳар медицина билим юрти томонидан **Юсупбекова Хилола Эркиновна** номига берилган КТ 855490 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 76-ўрта мактаб томонидан Раджабекова Дилором Ҳаджибековна номига берилган 615584 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



5, 6, 7, 8 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ҚОРА ШАҲЗОДА» (катта зал 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ҚОРА ШАҲЗОДА» (кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» «ҚОЧИШ» (11, 14.15, 17.30, 20.45).

Москва — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40)

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ОҚ СУЯК» (11, 13.15, 16.30), «ТАНҲО ЎЗИ» (18, 21.00).

Восток — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «СЕВГИ ҲАҚИДА ГАПЛАШМАЙЛИК» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номли — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИДА

1990 йил 19 май соат 15.30 да

институтнинг мажлислар залида

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, оборонная кўчаси, 1-уй (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар; 2, 10-трамвайларнинг «Темир йўл транспорти инженерлари институти» бекати). Телефонлар 91-14-40, 90-05-56.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ЮРИДИК ТЕХНИКУМИ

бўш бўлган директорлик лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс шартлари: директорлик лавозимини эгаллашга бўлган шахс олий юридик маълумотга эга бўлиши, ўқитувчилик иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги, ёши 50 дан ошмаган ҳамда ўзбек тилини мукаммал ўзлаштирган бўлиши лозим.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Қўнимгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 12-квартал, 67-«а» уй.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Ташремстрой» трести бошқарувчиси Ж. Ю. Мақсудовга рафиқаси

Қундуз Шамсиевна МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси комитетлари ҳамда институтнинг марказлаштирилган бухгалтерия жамоаси бош бухгалтер Н. М. Толиповга акаси

Нуриддин МУҲИТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Фрунзе ноҳияси озиқ-овқат савдоси ташкилоти кекса савдо ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер

Ҳасан ЖАББОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 02207.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.